Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 16-noyabr, shanba № 138 (3331)

Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдек муқаддас, саждагоҳдек пок ва улуғ бўлмоғи керак.
*Ислом КАРИМОВ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини шу йил 12-13 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишини кучайтиришни, иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бутун бюджет жараёнини янада мунтазамлаштириш ва кодификациялашни, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширишни, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни, шунингдек, бошқа бир қатор қонунларни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг ўн учинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

### 18 ноябр – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

## Шон-шараф ва ғурур тимсоли

*Миллий давлатчилигимиз тарихининг барча даврларида байроқ Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Хусусан, Амир Темур салтанатида давлат рамзларига алоҳида эътибор берилган. Соҳибқирон жанг майдонида бир лашкар омон қолса ҳам у Ватани байроғини баланд тутсин, деб фармон берган. Чунки жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият белгиси, деб қабул қилинган. Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги тенгсиз жасорати барча авлодларга ибрат намунаси бўлиб келаётганининг боиси ҳам шунда.*



Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда таъкидланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзларидан биридир.

Шундан буён миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида ҳилпираб турган юзлаб байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроқ олдида тиз чўкиб, уни кўзига суртади. Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини суради.

— Давлатимиз байроғи биз, спортчиларга нечоғли куч-қудрат, жасорат бахш этишини шу йил 20-27 октябр кунлари Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида совриндор бўлганимда яққол ҳис этдим, — дейди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Улуғбек Алимов. — Эришган ғалабам шарафига майдон узра Ўзбекистон байроғи кўтарилганида қалбим чексиз фахрга тўлди. Мустақиллик шарофати, Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли ўнлаб давлатлар вакиллари орасида меҳнатим муносиб рағбатлантирилганидан, юртимиз номи тилга олинганидан бошим осмонга етди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва тиниқ сув ерy кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида давлатимиз ошадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини ёрқин акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз эса беғуборлик, мукаммаллик, донишмандлик каби сифатлар ифодасидир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

### Обуна — 2014



## Олтин водийдаги рангин лаҳзалар

*Матбуот халқ билан жамият ўртасидаги маънавият кўпригидир. Ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар, ривожланиш борасидаги эзгу ишларнинг мазмун-моҳияти матбуот кўзгуси орқали одамлар онгида қўним топади. Чунки матбуотда давр руҳи акс этади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нашри ҳисобланган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳам бу борада ўз йўналишини барқарор тутиб келмоқда. Бу, албатта, суянса суянгулик муштарийлар эътибори ва рағбати туфайлидир. Айни кунларда таҳририятимиз ходимлари иштирокида жойларда ташкил этилаётган учрашувлар буни қайта-қайта тасдиқдан ўтказмоқда. Қуйида Фарғона водийси вилоятларида бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотлар хусусида ҳикоя қиламиз.*

Мустақиллик йилларида янгича қиёфа касб этиб, обод ва кўркам гўшага айланган Андижонда бугун аҳоли бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан машғул. Тинчлик ва осойишталик, хотиржамлик ҳукм сурган заминда ҳаёт қайнамоқда.

Андижонликлар иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида самарали ютуқларни қўлга киритиб, хоҳ қишлоқ хўжалиги бўлсин, хоҳ қурилиш, ободонлаштириш, хоҳ енгил саноат, хоҳ машинасозлик саноатида бўлсин, республикамиз иқтисодига муносиб улушларини қўшиб келишяпти.

Ўзгаришлар чиндан-да оламшумул. Биргина машинасозлик соҳасини олиб кўрайлик. Ушбу соҳа ривож топган вилоятдаги корхона ва цехларда янги технологиялар асосида ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда. Асакадаги автомобилсозлик корхонасига эҳтиёт қисмлар етказиб беришга ихтисослашган хусусий ва қўшма корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда.

Ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган маҳаллийлаштириш дастури асосида бугун вилоятда 100 дан ортиқ завод ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, уларда 20 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланган. Муқим иш ўринлари, юқори даражадаги иш ҳақлари андижонликлар ҳаётида ва кайфиятида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Энг муҳими, янги ишга келган ишчи-ходимлар касаба уюшма аъзолигига қабул қилиниб, уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари ҳимояга олинган. Меҳнат ва дам олиш шароитлари доимий назоратда. Аъзолар сони эса йил сайин ортмоқда. Бу касаба уюшма ташкилотлари ва фаоллар зиммасига янада улкан масъулият юклайди. Улардан янада фаоллик кўрсатиб ишлаш, тажрибаларни оммалаштириш, янгиликлардан бохабар бўлишни тақозо этмоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, етакчилар ва фаолларнинг яқин ҳамкорлик қилиши таҳририят учун ҳам касаба уюшма фаоллари учун ҳам бирдек манфаатлидир.

*(Давоми 2-3-саҳифаларда).*

"Ishonch" – Сизнинг газетангиз
2014 йил учун обуна бўлишни унутманг
Нашр индекси — 133

### Қутлов

## Хайрли ишга муносиб ҳисса

*Ватанимиз келажаги, тараққиёти, жаҳон ҳамажамиятидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан аҳоли саломатлигига боғлиқ. Бу масъулиятли вазифани адо этишда тиббиёт ходимларининг хизмати беқиёсдир.*

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир. Изчиллик билан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислоҳотлар натижасида халқимизга жаҳон андазалари даражасида бирламчи тиббий профилактика, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Хусусан, санатор-курорт муассасаларининг янги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши санаторийларда дам олувчи ва даволанувчиларга ҳар жиҳатдан қулайлик туғдирмоқда. Бу хайрли ишга муносиб ҳиссасини қўшганлиги ҳамда Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фахрли «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Анвар Аҳмедовни ушбу юксак мукофот билан қутлаган ҳолда, эл саломатлигини муҳофаза қилишда амалга ошираётган ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

*Спорт билан шуғулланиш нафақат чиниқиш мактаби, балки руҳий камолот ва саломатлик омилидир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Умид гулшани» санаторийсида соғломлаштирилаётган тиббиёт ходимлари ўртасида шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилди.*

## «Умид гулшани»да

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу спорт тадбирида шахмат бўйича Фарғона вилояти перинатал маркази болалар реанимацияси бўлими мудири Тинара Тукеева, шашка бўйича Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази катта ҳамшираси Салима Наврўзова ва стол тенниси бўйича Наманган вилояти Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ мажмуаси дояси Кимёхон Сулаймонова биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар Марказий кенгашнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**М. МУРЗАЕВА,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси**

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарфланадиган харажатлар 2013 йилдаги 59,3 фоиздан 2014 йилда 59,6 фоизга кўпаяди.

### Энг намунали бошланғич ташкилот

## Рағбат самарадорликни оширади

*Меҳнаткашларнинг иш ва дам олиш шароитини яхшилаш, оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам ЎзКУФК томонидан бошланғич ташкилотларнинг нуфузини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бинобарин, сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида бирмунча оммалашган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг юқори савияда ташкил этилаётгани фикримизнинг далилидир.*

Мазкур кўрик-танлов «Обод турмуш йили» дастурининг ижросини таъминлаш, касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришда бошланғич ташкилотларнинг ролини ошириш, шунингдек, етакчиларда ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Танловда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотлар ҳам фаол иштирок этишди.

Айтиш жоизки, танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида тақдим этилган ҳужжатлар орқали бошланғич ташкилотлар фаолияти сарҳисоб қилинди ҳамда муносиблар сараланди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

*«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тизимида ҳам эсда қоларли тарзда ўтказилди. Унда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган 14 нафар касаба уюшма ташкилоти етакчилари, тармоқ Марказий кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этишди.*

## Илғорлик ҳисси

Тадбир қатнашчилари дастлаб намунали бошланғич ташкилотлар фаолияти акс этган кўргазма билан танишишди. Кўргазма доирасида касаба уюшма қўмиталарида амалга оширилаётган ишлар юзасидан видеофилмлар намойиш қилиниб, компютер орқали электрон тақдимотлар, фотоалбомлар, услубий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномаларининг нусхаси йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Шундан сўнг тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Зиёдулла Худойбердиевнинг «Касаба уюшмалари ҳаракатида бошланғич ташкилотларнинг тутган ўрни ва вазифалари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

*(Давоми 3-саҳифада).*

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

— Тармоқ тизимида 1300 дан зиёд бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг барчаси мазкур танловда қатнашди, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тохтаева. — Қуйи бўғинларнинг тегишли Низом талаблари асосида, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, ташкилий масалалар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда ижтимоий шерикликка оид фаолиятлари атрофлича ўрганилди. Бундан ташқари, янги аъзоларни жалб этиш юзасидан фаол иш олиб бориш ва аъзолик бадалларини йиғиш, уларни белгиланган тартибда тақсимлаш, мақсадли фойдаланишни таъминлаш, жамоа шартномаларининг тармоқ келишувларига мослаштирилганлиги, уларнинг ўз вақтида имзоланиши ҳамда бажарилишининг назорат қилиниши таҳлил қилинди. Шу билан бирга, касаба уюшма ташкилотларида мажлис ҳамда йиғилишлар ўтказиш жараёнида устав талабларига қатъий риоя этилиши, бошланғич ташкилотлардаги жорий ҳамда келгуси иш режалари мазмунини сифат жиҳатидан яхшиланишига эътибор қаратдик.

Ниҳоят, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг тармоқ бўйича Республика босқичи ғолиблари эълон қилинди. Натижаларга кўра, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси 1-ўринни, Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич ташкилоти 2-ўринни, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти 3-ўринни эгаллади.

# Рағбат самарадорликни оширади



Танлов қатнашчилари ва ғолибларига тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Фазлиддин ҲАМИДОВ, Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Қўмитамиз иши касаба уюшмалари устувор йўналишлари асосида ташкил этилиб, асосий эътиборни ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратиб келмоқдамиз. Тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитасига 22 та шифохона бўлимлари, 55 та ҚВП ва 8 та хусусий шифохона шохобчаларида ишловчи 2942 нафар ходим аъзо. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар. Жамоа шартномасида бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, аёлларнинг иш соати қисқартирилиб, 12 ёшгача иккита ва ундан ортиқ, 16 ёшгача ногирон боласи бор ишловчи оналарга иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кунлари берилмоқда.

**Кенжа ХУДОЙБЕРГАНОВ, Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси етакчиси:**

— Эътироф этиш жоизки, меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиш, қулай иш шароити яратиб беришга эришиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш баробарида дам олиш ва соғломлаштириш ишларини намунали йўлга қўйиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Жорий йилда 17 нафар ходимни санаторийларда дам олиши учун имтиёзли йўлланмалар билан таъминладик. Шунингдек, соҳа ходимларининг 64 нафар фарзанди ёзги мавсумда оромгоҳларда дам олдирилди. Кам таъминланган ишчилар оилаларига 8 млн. 600 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли мавзуларда қизиқарли тадбирлар уюштиряпмиз. Шунингдек, туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш, ходимларни юртимизнинг тарихий қадамжолари билан таништириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кучайтирилмоқда. Мисол учун, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига уюштирилган саёҳат жамоадошларимиз учун унутилмас таассурот қолдирди. Мазкур танловдаги ютуғимиз биз учун катта фахр. Бу эътибордан куч олиб, янада фидойилик билан меҳнат қиламиз.

**Абдурасул ЧЎЛЛИБОЕВ, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси:**

— Соғлиқни сақлаш ходимларини фаришталарга ўхшатишади. Зеро, ушбу касб эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда касаба уюшма қўмитаси ҳам шунга яраша фаолият кўрсатиш керак.

Жамоа шартномасига мувофиқ, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўмакка муҳтож ходимларга ёрдам берилади. Меҳнат муҳофазаси бўйича турли амалий семинарлар ўтказиб, ходимларнинг бу борадаги билимини мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз. Тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси аъзоларидан иборат доимий комиссиялар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ҳар чоракда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботлари эшитилади. Айтиш жоизки, эришилаётган ютуқларимиз билан чекланиб қолмай, фаолиятимизга янгича ёндашишимиз зарур. Шундагина касаба уюшма аъзоларининг ишончини оқлаймиз.

Эътиборли жиҳати, танловда намунали бошланғичлар фаолияти билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш имкониятини яратиш мақсадида уларнинг иш жараёнига оид кўргазмалар ташкил этилди. Кўргазмаларда жамоа шартномалари ва унинг ижроси назоратга олинган бошқа ҳужжатлар ҳамда турли тадбирлардан стенд ва фотосуратлар акс этди. Бу орқали бошланғич ташкилотлар етакчилари хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш, аъзоларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ютуқлардан ўрнак олиб, ўзаро фикр алмашишди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Олтин водийдаги Обуна —

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Андижонлик муштарийларимиз билан бўлиб ўтган учрашувларда турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

— Газета биз учун тажриба алмашиш мактаби бўлиш билан бирга, фаолиятимизни кенг оммага етказишда муҳим восита, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Одилжон Жалилов. — Сафларимизда кўпроқ тадбиркорлар бирлашгани боис газета саҳифаларида тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўпроқ ёритиб борилса, дейман. Қолаверса, касаба уюшма фаолияти фақат тадбирлардангина иборат эмас. Таҳририят касаба уюшма фаолиятини чуқур ўрганиб, фаолиятда керакли бўлган мақолалар билан чиқиш қилиб турса, ўқувчиларимизга маъқул бўларди.

* * *

Автомобилсозлар шаҳри Асакада «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари муштарийлари билан бўлиб ўтган учрашувларда бошланғич ташкилот етакчилари ва фаоллари ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

— Илгарилари нима учун таҳририят ходимлари биз, обуначилар билан учрашувлар ўтказмайди, бизни фикр ва мулоҳазаларимизни ўрганмайди, деб ўйлаб юрардим, — дейди Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгаши раиси Ҳидоятилло Аҳмедов. — Кейинги икки йил мобайнида аҳвол тубдан ўзгариб, учрашувларнинг ташкил этилганлиги биз учун ва таҳририят учун ҳам фойдали бўлмоқда. Бугун фаровон ҳаёт ҳукм сураётган юртимизда улкан зафарларга эришяпмиз. Бу ютуқлар ўзимизники, албатта. Аммо ютуқлар билан бирга баъзи камчилик ва муаммолар ҳам юзага чиқаётгани бор гап. Шу мавзулар юзасидан танқидий мақолалар ҳам бериб борилса, газета янада ўқимишли ва ҳаётий бўларди.

Учрашув бўлиб ўтган Асака туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси мажлислар залида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳам ўринли бўлди.

— Касаба уюшма ташкилотларида олиб борилган ислоҳотлар туфайли бошланғичлар фаолияти жонланиб кетди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари Асака туман кенгаши раиси ўринбосари Р. Ниёзова. — Туманимизда 60 та мактаб, 41 та болалар боғчаси фаолият юритади. Уларда бошланғич ташкилот раисларининг аксарияти ёшлар. Ҳар доим ҳам семинар ва ўқишлар ўтказиш имконияти бизда йўқ. Шу боис, уларнинг билим ва малакасини ошириш учун газета саҳифаларида касаба уюшмалари сиртқи мактаби рукнида мақолалар бериб борилса, биз учун фойдали бўларди.

Ўқувчиларимизни, айниқса, ҳуқуқий саводхонлик масалалари кўпроқ қизиқтириши маълум. Газетада бериб борилаётган «Сўраган экансиз», «Ҳуқуқий сабоқлар» рукнларида муштарийлар саволларига янада аниқ ва лўнда жавоб бериб борилишини таъминлаш таклифи билдирилди.

хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси масалалари ҳам ёритиб борилса, айни муддао бўларди.

Хуллас, Андижонда бўлиб ўтган учрашувлар таҳририятимиз ходимлари ва касаба уюшма ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлади. Албатта, келгуси

ятимиз ходимлари билан тизим ходимлари, фаол ва етакчилар, ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтган учрашувда ҳам ана шу кўтаринкилик кўзга ташланди. Унда касаба уюшмаларида олиб борилаётган ўзгаришлар, кенг кўламли фаолиятни оммага етказишда ОАВ билан мустаҳкам алоқа-

яна нималарга эътибор қаратиш ҳақида таклифларини, таҳририятнинг ижодий ишлари билан боғлиқ саволларини ўртага ташлашди.

**Баҳром УБАЙДУЛЛАЕВ, Республика Шошилинч тиббий ёрдам маркази Фарғона филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси:**

— Кейинги йилларда ушбу газеталарда бошланғич касаба уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишлар ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Дарҳақиқат, тизимнинг пойдевори ҳисобланган қуйи бўғинни жонлантириш борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, намунали касабақўмлар фаолиятидаги ибратли жиҳатларни очиб бериш, қолаверса, бу йўналишдаги муаммоларни кўтариб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Жамоамизда 2000 нафарга яқин ходим меҳнат қилади. Халқ саломатлигини муҳофаза қилишга масъул бўлган



— «Ishonch» севимли газетамиз, — дейди тумандаги 55-мактаб ўқитувчиси Нодира Аҳмаджонова. — Мактабимизда 112 нафар касаба уюшма аъзолари бўлиб, уларнинг 90 нафарини ўқитувчилар, қолганларини эса хизматчилар ташкил этади. Фаолиятимиз давомида турли баҳсли саволлар туғилиб қолади. Шундай пайтларда газетага мурожаат қиламиз.

Бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишиш мақсадида «Андижоннефтбаза» унитар корхонасида бўлганимизда, касаба уюшма қўмитаси фаолиятига ҳавасимиз келди. Бошланғич ташкилотга ажратилган алоҳида хонада, касаба уюшма соҳасига оид турли фотостендлар, газеталар тахламлари жой олган.

— Унитар корхонамизда 718 нафар аъзо бўлиб, вилоятдаги барча нефтбаза ходимларини қамраб олганмиз, — деди бошланғич ташкилот раиси Икромиддин Саматов. — Аъзоларимизга ҳавас қилса арзигулик меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Иш берувчи жамоа шартномалари шартларига қатъий амал қилиб келади. Керакли пайтда касаба уюшмамизга моддий ёрдам бераяпти. Биз севимли газеталаримиз саҳифаларида юртимизда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларидан кўпроқ хабардор бўлиб туришни хоҳлардик.

Айниқса, намунали типдаги уйлар юртимиз жамолига чирой қўшмоқда. Мана, Асака-Андижон йўли устида ҳам намунали уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Шу мавзулар ҳам бизни қизиқтиради. Шунингдек, соҳага оид техника

режаларимизда муштарийлар фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинади.

* * *

Фарғона вилояти саноати ривожланган, иқтисодий имкониятлари кенг, деҳқончилик ва боғдорчиликда тенгсиз, бунёдкорлик, яратувчанлик оғушидаги обод ва кўркам ҳудудлардан саналади. Энг асосийси, вилоятнинг меҳнаткаш, танти, ишнинг кўзини биладиган, олижаноб, меҳмондўст ва кўнгли очиқ одамлари бор. Қўли гул ҳунармандлар, уста тижоратчилар, омилкор деҳқону соҳибкор боғбонлар, заҳматкаш саноатчилар, донғи кетган санъаткорлар, хуллас, умрини эзгуликка бағишлаган инсонлар яшайдиган бу заминни ҳар қанча таърифласак оз.

Вилоят марказига кейинги бир-икки йил ичида келмаган киши шаҳарни танимай қолиши турган гап. Кенг ва равон кўчалар ўзгача кўриниш касб этиб, янги-янги муҳташам иморатлар қад кўтарган. Одамларнинг кайфиятида ҳаётдан мамнунлик, эртанги кунга ишончни сезиш қийин эмас.

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида таҳририни йўлга қўйишнинг аҳамияти, хусусан, касаба уюшмалари нашрларининг бу борада тутган ўрни ва бошқа мавзуларда сўз юритилди.

— Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш, тизим ходимлари фаолиятига кўмак бериш, қолаверса, одамларнинг маънавиятини юксалтиришда матбуотнинг ўрни алоҳида, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Валишер Азизов тадбирни очаркан. — Бугунги кунда ташкилотимиз фаолияти йўналишлари ушбу газеталар саҳифаларида атрофлича ёритиб борилаётир. Бу эса айни дамда тизим учун муҳим аҳамиятга эга бўлган касаба уюшмага аъзолик афзалликларини кенг тарғиб қилишда бизга яқиндан ёрдам беради. Шундай экан, ушбу имкониятдан унумли фойдаланиш, таҳририят билан ҳамкорликни янада кучайтиришга ҳар томонлама эътибор қаратишимиз лозим.

Учрашувда касаба уюшма фаоллари тизим фаолияти билан боғлиқ қайси мавзуларга газеталаримиз саҳифаларидан кенгроқ ўрин бериш, нашрнинг мазмундорлиги ва қизиқарлилигини оширишда

ҳамкасбларимиз манфаатларини ҳимоялаш борасида жамоа шартномаси асосида иш олиб боряпмиз. Жумладан, уларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда иш берувчи ҳисобидан 15 кишига, касаба уюшма маблағидан 20 кишига моддий ёрдам кўрсатилди. 10 нафар ходимга санаторийларга йўлланма ажратилди. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзанди бепул, 5 нафар бола имтиёзли дам олдирилди. Ўқув йили арафасида ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 68 нафар ўғил-қизига 3,5 млн. сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Бундан ташқари, ходимларнинг маънавиятини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, спорт билан кенг шуғулланишини таъминлаш фаолиятимиздан муҳим ўрин эгаллаган. Филиалимизда 71 минг дона китобга эга кутубхона, Маънавият хонаси мавжуд. Ҳар ойда 2 марта «Маънавият соатлари» ўтказиб келиняпти. Жамоа аъзоларининг спорт билан машғул бўлиши учун барча имкониятлар яратилган, турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Хуллас, амалга оширган ибратли ишларимиз

*Навоий вилояти*

# Фикрлар, таклифлар, мулоҳазалар

Кечаги кунда касаба уюшма ташкилотини йўлланма берувчи идора деб қарайдиганлар, энди суянган тоғ деб, ёрдам сўраб келишмоқда.

**Н. ТОҒАЕВА,**
**Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси.**

Таъбир жоиз бўлса, касаба уюшмаларини маҳобатли бир иморатга қиёс этсак, демак, унинг пойдевори — бошланғич касаба уюшма ташкилотлари мустаҳкам бўлиши керак.

**А. БОБОМУРОДОВА,**
**Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

Меҳнаткашларни ҳимояловчи тизимда фаолият кўрсатаётганимдан бахтиёрман.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Навоий шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси.**

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини мунтазам равишда кузатиб боряпмиз. Назаримда нашримиз бугунги кунда касаба уюшмаларининг кўзгусига айланиб бораётир.

**Р. АБДИЕВ,**
**Навоий шаҳридаги 11-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси.**

Истардикки, газетангиз саҳифаларида қорнига эмас, қадрига йиғлаётган, меҳрга зор болаларнинг дил фарёди ҳам акс этса...

**И. ТУРСУНОВА,**
**«Меҳрибонлик» уйи директори ўринбосари.**

«Сизнинг адвокатингиз» рукнидаги материаллар кўпроқ чоп этилса, фойдадан холи бўлмайди.

**С. АБДУЛЛАЕВ,**
**«Микрокредитбанк» ОАТБ Навоий вилояти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси.**

«Ishonch»нинг 16 бетлиги нега чиқмаяпти? Улардаги қизиқарли мақолалар, ҳикоялар, шеърларни жон деб ўқирдик.

**Ш. ОЧИЛОВА,**
**Навоий «ИЭС» бошланғич касаба уюшма қўмитаси ходими.**




## Инсонга наф келтир ва бахт топгайсан

*Ҳамон ўша жойми?*
*Сўрарлар баъзан,*
*Қитир-қитир билан ўтмоқдами кун?*
*Ҳа энди, дейману жавоб қиламан:*
*Ёзиш-чизиш гўё ҳаёт мен учун.*

*Ҳозир «Ishonch» деган газетадаман,*
*Жамоа ёмонмас,*
*Турибман ишлаб.*
*«Ишонч телефони» дегин,*
*Биламан —*
*Кимнинг дарди бўлса қолади эслаб.*

*Йўқ, дейман,*
*Бу бошқа,*
*Бутунлай бошқа,*
*Касаба уюшма нашри эрур бу.*
*Мақсад — айтганингдек,*
*Иш тушса бошга*
*Шу ердан топилар ҳар неки эзгу.*

*Кетмагай ҳеч киши норизо бўлиб,*
*Кўнгиллар чамани яшнар бегумон.*
*Иззат-икром билан Ой каби тўлиб,*
*Осмон бўлишга ҳам қодир тирик жон.*

*Ишқилиб, ҳақ-ҳуқуқ топталмаса бас,*
*Ва бош эгилмаса муҳтожлик сабаб.*
*Қонун устувордир,*
*Ҳақиқат синмас,*
*Жамиятнииг ўзи адолатталаб.*

*Инсонга наф келтир*
*Ва бахт топгайсан,*
*Олтин олма, дўстим, дуо ол чандон.*
*Дунёнинг ишлари тугасин қайдан,*
*Мазмун бахш этишдан толмагач инсон!*

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2013-yil 16-noyabr № 138 (3331)

*Назм гулшани*

## Вақт — от эмас...

Вақт от эмас,
Поезд ҳам эмас,
На жилов, на жиловдор бор.
Тортса тўхтаб, қўйсанг бўш — жилмас,
Хоримас ҳеч,
Туну кун бедор.

Йўл тўсишдан наф йўқ, фойдасиз,
Беҳудадир ортидан қувмоқ.
Вақт — ғанимат,
Вақт — зиқ,
Вақт — азиз,
Совурсангиз гўё пул — пўчоқ!

Ололмайсиз ўнглаб сўнг уни,
Супуринди,
Жизғинак хазон.
Ўтказади беиз умрини
Вақт қадрига етмаган инсон.

Вақт — от эмас...

## Дерларки...

Дерларки, гапни ҳам уққанга гапир,
Токи наф келтирсин инсонга инсон.
Ҳисоб-китоб чоғи бўлмасин ахир
Бир мири фойда-ю, ўн мири зиён.

Ишни уддасидан чиққанга буюр,
Оқибат қилмасин ўзингни сарсон.
Билки, тузалмайди гўрда ҳам букур,
Бир мири фойда-ю, ўн мири зиён.

Меъёр чегарадир билганга доим,
Баланд дор не учун рўшнолик замон?
Ёлчимаган ҳеч ким ҳаётни койиб,
Бир мири фойда-ю, ўн мири зиён.

## Тўртликлар

Истайсанми оҳинг кутмаслигин вақт,
Умр ёқасидан тутмаслигин вақт —
Меҳр қўй, қўйгандек фарзандга меҳр,
Кўрасан беҳуда ўтмаслигин вақт.

* * *

Умр кечмишлари беармон бўлмас,
Карвон кўп, бари ҳам зўр карвон бўлмас.
Пароканда кунлар вақт кушандаси,
Бийдек чўл-биёбон боғ-бўстон бўлмас.

* * *

Кўчкилар, тўфонлар, ер қимирлашлар...
Дилга ваҳм солиб, кўнгилни ғашлар.
Сабоқ чиқаришни ўйламай, афсус,
Кимдир йўлдан уриб, кимдир бош қашлар.

* * *

Борига барака ... агар бор бўлса,
Йўқлик важиданмас киши хор бўлса.
Сабр-тоқат қани, ҳаракат қани,
Толе юз ўгирмас номус-ор бўлса.

* * *

Қаеринг оғриса, ўша жойда жон,
Токи жон бор экан оғриқдир меҳмон.
Аммо, кўп ажабки, ҳаловат топмас
Жонни қийнамаса негадир инсон.

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН**



*Қайга борсам, бошда дўппим...*

Аҳмад ТЎРА суратлавҳаси

ТАДБИР

# «Спорт билан обод турмуш сари»

***Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишни одат тусига айлантириш, турли спорт ўйинлари ва жисмоний машқларга қизиқтириш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали уларнинг саломатлигини тиклаш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан.***

Бўстонлиқ туманида жойлашган «Чотқол» сиҳатгоҳида Ўзбекистон Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Спорт билан обод турмуш сари» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг республика босқичи уюштирилди.

28 та оилавий жамоалар югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш, «Чаққонлик ва мерганлик» эстафетаси, «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар» ўйини, «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз» ҳамда кўпкураш мусобақалари — арқон тортиш, тезлик ва эпчиллик эстафеталари бўйича беллашдилар.

Икки кун давом этган қизиқарли курашларда ўзининг эпчиллиги ва чаққонлигини намойиш этган наманганлик Равшан Эркиновлар оиласи шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни Баҳром Мусурмонов (Жиззах) ҳамда Равшан Ортиқбоев (Фарғона)лар оилалари банд этишди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди. Турли номинацияларда омади чопган иштирокчилар ҳам совғалардан бенасиб қолишмади.

— Хурсандчилигимизнинг чеки йўқ, — дейди Равшан Эркинов. — Турмуш ўртоғим ва фарзандим билан бир тан, бир жон бўлиб, ғалаба учун бор кучимизни аямадик. Қолаверса, кўп йиллик машқлар ўз натижасини берди. Қувонарлиси, мусобақа фарзандларимиз учун катта байрамга айланди. Тоғ ён-бағрида мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, беллашишнинг гашти ўзгача экан.

— Спорт билан мунтазам шуғулланиш соғлик учун нақадар фойдали эканлигини амалда кўрдик, — дейди Баҳром Мусурмонов.

— Беллашувларнинг барча шартларида омад бизга кулиб боқди, — дейди Равшан Ортиқбоев. — Эришган муваффақият кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Икки кунлик мусобақада ҳеч ким мағлуб бўлмади. Чунки бундай мусобақаларда совринли ўрин эмас, қатнашишнинг ўзи ғолиблик белгисидир. Барча иштирокчилар уйга бир олам таассуротлар билан қайтишди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

## «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ очиқ танловга таклиф этади!

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят Вобкент туман ҳокимининг 2013 йил 27 сентябрдаги 534, 535, 536, 537, 538 ва 539-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:***

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Кумушкент» Қ.Ф.Й., Кумушкент қишлоғи ҳудудида жойлашган 1 дона, 165 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 86 952,16 сўм.

2. Дурадгорлик ва ёғочга ишлов бериш цехи қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Чармгарон» М.Ф.Й., Ғалаба кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 400,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 248 960,12 сўм.

3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Чармгарон» М.Ф.Й., Ғалаба кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 400,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 248 960,12 сўм.

4. Тикувчилик цехи қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Чармгарон» М.Ф.Й., Ғалаба кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 360,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 224 064,11 сўм.

5. Қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Чармгарон» М.Ф.Й., Ғалаба кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 900,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 560 160,27 сўм.

6. Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Қурувчи» М.Ф.Й., Ҳамза кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 220,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 136 928,07 сўм.

7. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар «Қурувчи» М.Ф.Й., Ҳамза кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 96,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 59 750,43 сўм.

8. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Қурувчи» М.Ф.Й., Ҳамза кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 85,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 52 904,03 сўм.

9. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Қурувчи» М.Ф.Й., Ҳамза кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 49 792,02 сўм.

10. Тикувчилик цехи ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Ҳалач» Қ.Ф.Й., Латифсобунгар қишлоғи ҳудудида жойлашган 1 дона, 204,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 107 504,4912 сўм.

11. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент шаҳар, «Собир Раҳимов» М.Ф.Й., Собир Раҳимов кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 124 480,06 сўм.

12. Савдо дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Эҳсон» Қ.Ф.Й., Тераклик қишлоғи ҳудудида жойлашган 1 дона, 96,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 39 702,27 сўм.

13. Қурилиш моллар дўкони қуриш учун Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Эҳсон» Қ.Ф.Й., Тераклик қишлоғи ҳудудида жойлашган 1 дона, 971,5 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 401 778,69 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Вобкент туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 17 декабр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар - Вобкент ҳокимлиги биносида 2013 йил 18 декабр куни соат 12:00 да очилади, 2013 йил 18 декабр куни соат 17:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 18 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 25 декабр куни соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 24 декабр соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Вобкент туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 25 декабр куни соат 12:00 да очилади, 2013 йил 25 декабр куни соат 17:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** — «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Ҳамза кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99893) 960-69-00 электрон почта: www.bgr.gl.uz. **Лицензия № RL 0171.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТ «Халқ банки» Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377.

**Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил:** Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси 1-уй.

***Хизматлар лицензияланган.***

Реклама ва эълонлар

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 17 декабрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу «Объектлар» учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
-таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 17 декабр куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2013 йилнинг 23, 30 декабр ва 2014 йилнинг 6 январ кунлари соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар:** 233-22-83, 233-74-72.

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПҚ/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бино ва иншоотлар | 797,0 | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 555-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.06.2013 № 209 | 703 986 636,00 | - энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш, - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш, - янги иш ўринларини ташкил этиш, - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида) | |
| 2 | 2 қаватли бинонинг 1 қаватидаги умумий майдони 79 кв.метрга тенг қисми | 79,00 | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 19-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.06.2013 № 209 | 72 672 000,00 | | |

***Хизматлар лицензияланган.***

## «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ Наманган вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 17 декабр куни соат 14:00 да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Наманган вилояти, Чуст тумани, Н.Турғунов кўчаси, 54-уйда жойлашган Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1987 йилда и/ч, д/р 16 АЕ 763 бўлган «УАЗ-3962-01» русумли, автотранспорт воситаси 787 000 (Етти юз саксон етти минг) сўм бошланғич баҳода қўйилади.

Аукцион савдоси ғолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Мазкур автотранспорт воситаси сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 24, 30 декабр ва 2014 йил 7, 14, 21 январ кунлари соат 14:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин, яъни 16 декабр куни соат 14:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ *«Ипак йўли»* Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН: 302477464, 20208000605015685007 ҳисоб-рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумот олиш манзили**: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй. Телефон: (8369) 227-19-07.

**Гувоҳнома № 005148**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.00
Topshirildi - 18.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г —1111 | 13208 nusxada bosildi | 1 3 4 5